



*Тошкент кимё-технология
институтини 25 йиллигига
бағишланади*

*It is devoted to the 25th anniversary of
Tashkent chemical- technological
institute*

**Тезисы докладов
Международной научно-технической конференции
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ ХИМИЧЕСКОЙ,
НЕФТЕ-ГАЗОВОЙ И ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**КИМЁ, НЕФТ-ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ХАМДА ОЗИҚ-
ОВҚАТ САНОАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ**

**Халқаро илмий-техникавий
конференция тезислари тўплами**

2 том

Ташкент 2016

153.	Пулатова Г. Таълимда инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари интеграцияси (ТАТУ Фарғона филиали талабаси)	292
154.	Раматов Ж.С., Базарбаев У. Ғоявий тарбияда гуманитар фанларнинг ўрни (ТТЙМИ)	294
155.	Раматов Ж.С., Убайдуллаев А.М. Етуқ мутахассис кадрлар тайёрлашда маънавий тарбия масалалари (ТТЙМИ)	296
156.	Раматов Ж.С., Хидиров Ж. Таълим – баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омилли (ТТЙМИ)	298
157.	Раҳматов Д.Н. Тараққиёт ва таълимнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш жараёни ТТЙМИ)	300
158.	Sattorova M.F., Mirhodjayeva D.D. "Kasb ta'limi" kafedrasi mutaxassislik fanlarini o'qitishda ta'lim jarayoniga mos metodlarni tanlash mezonlari (TKTI)	302
159.	Тавалдиева Г. Н. Расмий ҳулоқот тили ва уни олий таълимда ривожлантириш технологияси (TKTI)	304
160.	To'xtaboyev X.N. Markaziy osiyo tarixining o'rganilishining dolzarbligi va ahamiyati (TKTI)	306
161.	Умпрзаков Р.Р., Каримов М.А. Чизма геометрия фанини ўқитишда номъанавий усулдан фойдаланишнинг устувор натижалари	307
162.	Умпрзаков Р.Р., Қаямов А.А. Чизма геометрия фанида қўлланиладиган шартли белгиларни эслаб қолишнинг энг қулай усули	309
163.	Faxriddinova M., Aripova G.Sh. "Ekologiya" fanini o'qitish metodikasini ishlab chiqish yo'llari	311
164.	Xodjayeva N.N., Nurmanova M.L. "Ta'lim texnologiyasi " fanidan "o'quv jarayonida ta'lim vositalarining o'rni" mavzusi asosida "swot - tahlil" metodini tushuntirish(TKTI)	313
165.	Шаманов Ғ.З., Раҳимов М.Ю. "Амалий механика" фанидан "занжирли узатмалар узатманинг геометрияси ва кинематикаси" мавзуси бўйича технологик харитасини яратиш (TKTI)	315
166.	Ўлжаева Ш. М., Топева Г.Ш. Амр Темур салтанатида ёш авлод тарбиясига эътибор (TKTI)	317
167.	Umarova Y., Otamuratov S. Ulug' o'zbek mutaffakiri alisher navoiy va buyuk xitoy faylasufi konfutsiy falsafiy qarashlarining bir-biriga qiyosi (TCTI)	318
168.	Ҳусанов С. Ёшлар маънавиятини мафкуравий-маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш – бугунги куннинг долзарб вазифаси (TKTI)	320
169.	Egamberdiev E.A., Shokirova M.M., Ismailov B.M. Use of multimedia programs and internet resources in teaching the english language in technical institutes (TCTI)	322
170.	Rahmatjanov O'D., Yorqulov H.O. Ekologiyani asrashda tayyorlanayotgan kadrlarning o'rni (TKTI)	323

“АМАЛИЙ МЕХАНИКА” ФАНИДАН “ЗАНЖИРЛИ УЗАТМАЛАР, УЗАТМАНИНГ ГЕОМЕТРИЯСИ ВА КИНЕМАТИКАСИ” МАЪВЗУСИ БЎЙИЧА ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИНИ ЯРАТИШ

Шаманов Ғ.З., Рахимов М.Ю.
Тошкент киме - технология институти, Ўзбекистон

Машғулотнинг бориш босқичлари

1 босқич: Давоматни аниқлаш

2 босқич: Савол –жавоб ёрдамида талабаларнинг занжирли узатмалар тўғрисидаги тушунча ва билимлари даражаси аниқланади.

3 босқич: Курс талабалари кичик гуруҳларга бўлинади. ҳар бир гуруҳ аъзосига тартиб бўйича рақам берилади. (Масалан биринчи иштирокчи, иккинчи иштирокчи...). ҳар бир гуруҳга «Занжирли узатмалар ва қўшимча қурилмалари юлдузча, занжир» ҳақида матнлар тарқатилади. Гуруҳлардаги вазифалар бир бирини такрорламайди. Бу машғулотда бумеранг технологиясидан фойдаланилади.

4 босқич: Талабалар яна қайта гуруҳларга бўлинади. (Аввалги босқичдаги гуруҳларнинг биринчи иштирокчилари 1 гуруҳ, иккинчи иштирокчилари 2 гуруҳ...). Ҳар бир гуруҳга «Занжирли узатмалар ва юлдузча ва таранглаш қурилмаларининг вазифалари ва имкониятларини аниқлаш» вазифаси берилади. Бу вазифани бажариш жараёнида ҳар бир гуруҳ иштирокчиси биринчи босқичда эгаллаган билимларини иккинчи гуруҳ иштирокчиларига тушунтиради.

5 босқич: Талабалар бу босқичда якка тартибда ишлайди. Ҳар бир талаба занжирли узатмалар ҳақида маълумот берадилар.

6 босқич: Талабалар бир бирларига машғулотда эгаллаган билимлари асосида Занжирли узатмалар. Узатманинг геометрияси ва кинематикаси ҳақида саволлар берадилар. Ўз ўрнида ўқитувчи ҳам саволлар ва тавсиялар бериб дарс якунланади.

Фан: Амалий механика

Аудитория: техниколий таълим муассасалари талабалари

Мавзу: “Zanjirliuzatmalar. Uzatmaning geometriyasi va kinematikasi”

Калит сўзлар: Занжир, юлдузча, звено, втулкали, бармоқли, айланишлар частотаси, буровчи момент, узатишлар сони, қамров бурчаги, марказлараро масофа.

Соатлар сони: 2 соат маъруза машғулот.

Амалий машғулотни ишлаб чиқувчи: М.Ю. Рахимов

Иш жойи: Тошкент кимё технология институти	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	
Метод: актив ва интерактив, ақлий хужум методидан фойдаланиб талабаларни дарсга тайёрлаш.	
Шакли: мултимедия (слайдлар) ёрдамида занжирли узатмаларнинг вазифаси, тузилиши ва турлари билан таништириш.	
Воситалар (техник ва дидактик): Тарқатма материаллар, занжирли узатманинг макетлари, мултимедиядан фойдаланиб мавзуни ёритиш.	
Назорат: фикр алмашуви, оғзаки савол - жавоб	
Баҳолаш: суҳбат, маърузада фаол қатнашган талабаларга баҳо бериш	
Дарснинг мақсад ва вазифалари:	
Мақсадлар: Таълимий: Янги педагогик технологияларни педагогик амалиётда қўллаш бўйича билим ва ўқувларни тизимлаштириш ҳамда умумлаштириш Тарбиявий: Занжирли узатмалардан фойдаланишни ва уларнинг тузилишини барча талабаларга фойдаланишни бил ишлари кераклигини етказиш. Ривожлантирувчи: талабаларга илғор технологияларни қўллашда занжирли узатмалардан фойдаланиш кераклигини ва унинг афзалликлари ва ўзига хос кулайликларини англашларига ёрдам бериш.	Вазифалар: Таълимий савол: Занжирли узатмаларнинг асосий ва қўшимча қурилмалари вазифалари ва имкониятлари нимадан иборат? Юлдузчалар, занжир турлари, роликли, втулка роликли, тишли занжирли узатма, занжирларнинг вазифаси нимадан иборат? Тарбиявий савол: Занжирли узатмалардан фойдаланиш ишлаб чиқариш технологик линиялари ривожига таъсир этадими? Ижобий таъсир этса уни қандай тасаввур қиласиз? Ривожлантирувчи савол: Занжирли узатмалардан қачон фойдаланасиз? Занжирли узатмалардан фойдаланишнинг афзаллиги ва мураккаб томонлари нимадан иборат?
Кутилаётган натижалар:	
Дарс якунида талаба билади (билим): Занжирли узатмаларнинг вазифалари, тузилишини ва имкониятларини ўрганади. Юлдузча, юлдузчалар блоги, тишли зажир, тарангловчи юлдузчанинг вазифасини ва тузилишини ўрганади.	Қайси саволлар берилади: қандай дастурлар ёрдами билан ишга тушурилади? Маълумотларни киритиш ва хотирада сақлаш учун қайси қурилмалардан фойдаланилади?
Дарс якунида талаба тушу-	Қайси вазифалар берилади: Занжирли

нади (кўникма): Занжирли узатмаларнинг асосий геометрик ва кинематик параметрлари ҳақидаги маълумотларни Стандартлардан олиш ва танлаш бўйича амалий кўникмага эга бўлади.	узатмаларнинг асосий геометрик ва кинематик параметрлари ҳақидаги маълумотларни Стандартлардан танлаб олиш бўйича амалий кўникмага эга бўлади.
Дарс якунида талаба бажара олади (малака): Занжирли узатмани ҳисоблаш, унинг геометрик ва кинематик параметрларини аниқлашни бажара олади.	Қандай топшириқлар берилади: Занжирли узатмалар қандай имкониятга эга эканлигини ва уларни технологик линиялардаги ўрни ҳақида билиб оладилар.